ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 2 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00200

КИБЕР ОЛАМИДАГИ МУТААССИБЛИКНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИГА ХУРУЖИ ВА ОҚИБАТЛАРИ

Сардор Полванов
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси магистранти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мутаассиблик тушунчаси, унинг моҳияти, мутаассиблик оркали келиб чиққан ҳаракатлар, уларнинг интернет тармоғи орқали амалга ошираётган ҳаракатлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Мутаассиблик, ташкилот, терроризм, экстремизм, фундаментализм, интернет, глобаллашув.

ATTACKS AND CONSEQUENCES OF BIGOTRY ON YOUTH SPIRITUALITY IN A CYBER WORLD

Sardor Polvanov
Master Student of the Academy of Public Administration
under the President of the Republic of Uzbekistan

ABSTRACT

This article describes the concept of bigotry, its essence, the actions that come through bigotry, the actions they take through the Internet.

Keywords: bigotry, organization, terrorism, extremism, fundamentalism, internet, globalization.

КИРИШ

Глобаллашув шароитида ижтимоий-сиёсий ва иктисодий муносабатларнинг шиддат билан ривожланиши, коммуникация ва ахборот технологияларининг тараккиёти гоявий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайиши хамда ушбу сохадаги услуб ва воситаларнинг такомиллашувига сабаб булмокда. Мафкурадан кураш воситаси сифатида фойдаланиш умумбашарий тус олмокда.

Турли геосиёсий куч марказлари ўзларининг геостратегик максадлари йўлида «нишон» сифатида танланган мамлакатни қарам килиб олиш учун аввало мазкур халкни кадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо килишга эътибор

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00200

каратмокда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мутаассиб ташкилотларнинг медиа тарғиботи мавзусини тадқиқ этишга АҚШ ва Европа мамлакатлари, араб давлатларининг нуфузли илмий-тадқиқот марказлари, етакчи экспертлар томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Юртимизда Ш.А. Ёвқочев, Б.М. Бобожонов, К.А. Шермухамедов, Ж.А. Каримов, А. Ҳасанов, О. Юсупов, Ш. Исламов каби олим ва бир қатор тадқиқотчилар террорчи ташкилотнинг Интернет орқали юритадиган тарғиботи ҳамда унинг ёшлар онгига салбий таъсирини ўрганганлар.

МУҲОКАМА

Эндиликда геосиёсий назорат ўрнатиш турли «рангли инкилоблар» шаклида, Интернет тармоғи, хорижий теле ва радиоканаллари ва босма нашриётларида йўналтирилган «ахборот уруши» олиб бориш, мамлакат ичида миллий-сепаратистик, диний-экстремистик ёки радикал сиёсий гоялар билан онги захарланган «бешинчи колонна»ларнинг кўпорувчилик фаолиятини йулга қўйиш, «демократия экспорта» ёки «гуманитар интервенция» каби жозибали шиорлар остида, аслида эса суверен мамлакатларнинг ички ишларига очикдан-очик аралашиш каби усулларда олиб борилмокда. Бунинг тасдиғини 2000-йилларда Сербия, Грузия, Украина, Кирғизистон, Ирок;, Афғанистан, Покистонда, 2010-йилларда Тунис, Миср, Ливия, Сурия каби мамлакатларда рўй берган ва хозирги кунда кузатилаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар мисолида кўриш мумкин.

Диний экстремизм ва терроризм каби ҳодисаларнинг илдизлари узоқ тарихга бориб тақалса-да, улар ҳеч қачон ижтимоий барқарорлик ва тараққиёт учун бугунгидек таҳдид солмаган. Шундай экан, унинг ол- дини олиш ва унга қарши курашиш инсониятнинг истиқболига дахлдор масалага айланди. Зеро, илмий истилоҳда қўлланаётган «мутаассиблик», «фундаментализм», «экстремизм», «терроризм», «фанатизм» каби атамалар деярли барчага тушунарли бўлса-да, ҳар киши уларни ўзича талқин этиши мумкин. Кенг маънода бу атамалар қонуний ҳокимиятга қарши курангувчи ижтимоий-сиёсий гуруҳ ва оқимларга тегишлидир. Аммо муайян минтақа ёки дин билан боғлиқ бўлган тадқиқотларда юқоридаги атамаларнинг ҳаммаси ҳам доимо қўл келавермайди.

«Мутаассиблик» (араб. «ғулув кетиш», «чуқур кетиш») муайян гояларнинг тўғри эканига қаттиқ ишониш, уларга муккасидан берилиш, «ўзгалар» ва «ўзга- а» қараш ҳамда ғояларга муросасиз муносабатда бўлиш,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00200

бошқа фирқа ва мазҳабларни бутунлай рад этиши, уларни тан олмасликда намоён бўлади. Мутаассиблик барча даврларда турли дин ва йўналишлар орасида кескин низо ва туқнашувлар келиб чиқишига сабаб бўлган.[1] Онги заҳарланган ва мутаассибга айланган кишилар ўзлари қилаётган ишларни тўғри деб ҳисоблаб, ҳар қандай номақбул ишлардан ҳам бош тортмайдилар. Ваҳолаики, уларни бу йўлга бошлаган «раҳнамолар»нинг асл мақсади моҳиятан ғайриинсоний характерга эга. Мутаассибликнинг жирканч башараси дунёнинг турли нуқталарида содир этилаётган қўпорувчилик ва хунрезлик воқеаларида яққол намоён бўлмоқда. Айни пайтда, дунёвий ва диний билимларнинг саёзлиги, соф диний тушунчаларнинг асл мазмунини билмаслик ҳам мутаассиблик ғояларнинг тарқалишига сабаб бўлиши мумкин. Бу жараённинг энг хатарли жиҳати динни сиёсийлаштириш воситасида ҳокимиятга интилиш, динни нотўғри талқин қилиш билан одамлар орасига нифоқ солиш, қўпорувчилик ишларини амалга ошириш ва ғаразли манфаатларни рўёбга чиқаришга уринишларда намоён бўлмоқда. Демак, диний экстремизм келиб чиқишининг биринчи ва асосий сабаби мутаассиб фикр ва қарашларнинг пайдо бўлишидир. Мутаассиблик диний экстремизм ва терроризмга замин тайёрлайди. Шу ўринда қайд этиш жоизки, кўп манбаларда ишлатилган «ақидапарастлик» сўзи ҳозирги воқеликдан келиб чиқиб «мутаассиблик» сўзи билан алмаштирилган ҳолда истеъфода этилмоқда. Мутаассиблик ортидан диний экстремизм, фундаментализм, терроризм каби бир қанча тушунчалар пайдо бўлди. Дунё ҳамжамиятини бу каби бузғунчи ғоя вакиллари бугунги кунга мослашиб кибермаконда олиб бормоқдалар. Масалан “Ал-Қоида”, “Ишид”, “Мусулмон биродарлар”, “Толибон”, “Боқо харам” ва шу каби бир қанча ташкилотларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Бундай ташкилотлар интернетдан қуйидаги йўллар билан фойдаланишади:

- **Янги аъзоларни илинтириш** – Овоз, тасвир ва матн мутаассиблар учун айни муддао. Улар бундай имкониятдан ўз “сўзлари”ни кенг жамоатчиликка баралла айтишда фойдаланади. Янги аъзони жалб қилишда веб саҳифаларга кўп кирадиган одамларни кузатиб, ўрганиб ва охир-оқибат улар билан алоқага киришадилар.

- **Тарғибот мақсадида маълумот тарқатиш –** Бунда террорчилар сафларини кенгайтириш учун ўзларига хайрихоҳларни танлаб, сафларига қўшиш ҳамда шу орқали жангариларни кўпайтиришни мақсад қиладилар.

- **Маҳоратни ошириш –** Террорчилар глобал тармоқ орқали қўлбола бомбани ясаш, ўзини ўзи олдириш орқали кўпчиликка муттасил ўргатиб боради.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00200

- **Маблағ жамғариш –** Бунда веб-саҳифалар, чатлар ва форумларга ушбу ташкилотларга алоқадор банк ҳисоб рақамлари жойлаштирилади ва жиҳодий фаолиятини қўллаб-қувватлашга тарғиб этади.

- **Психологик кураш –** Бунда террорчилар интернетдан аҳоли орасига қўрқув-ваҳима солиш, руҳий таъсир ўтказиш ва тартибсизликка чақириш мақсадида фойдаланади. Масалан, қўпорувчи ташкилотлар муайян мамлакат қарорларини тўхтатишни талаб этади.

- **Террорчиларни тайёрлаш ва кўрсатмалар бериш –** Террорчилар ўз гумашталарини доимий равишда интернет орқали маълумотлар ва манбалар билан таъминлаб боради. Масофадан туриб, уларга турли хил кўрсатма ва топшириқлар беради. Веб тармоқ орқали уларнинг малака ва тажрибаларини ошириш учун “маҳорат дарслари”ни олиб боради.

- **Қўпорувчиликни режалаштириш ва бошқариш –** Бунда террорчилар ўзларининг жойлардаги ҳамтовоқлари билан интернет орқали террорчи ҳаракатларини режалаштиради ва уларнинг вертуал тўдабошиси масофадан туриб ушбу ҳаракатларни бошқаради. Европа олимлари ёшларда диний қарашларнинг шаклланиши кўп жиҳатдан глобал тармоқ орқали бўлаётганини таъкидлашмоқда. Британиялик мусулмонлар маълумот олиш учун Young Muslims UK (“Жамоати исломий” ҳаракати таъсири остида шаклланган веб-саҳифа) ёки Фатво ва тадқиқот бўйича Европа қўмитаси (“Мусулмон биродарлар” экстремистик ташкилоти шофелигидаги веб-саҳифа)га мурожаат қилади.[2]

Бугунги кунда кўплаб гуруҳларнинг ижтимоий тармоқда фаоллигини кўришимиз мумкин. Масалан “Толибон” ҳаракати ўз сафига янги аъзоларни жалб этиш, эришилган “ютуқларни”ни овоза қилиш ва зарур маълумотларни эълон қилиш мақсадида 2011 йилнинг май ойидан бошлаб дунё бўйлаб оммалашган “Twitter” ижтимоий тармоғидан фойдалана бошлаган. Ваҳоланки, Толибон ҳаракати телевизор, радио сингари замонавий технологияларни мутлақо инкор этиб, ўз аъзоларини булардан эҳтиёт бўлишга қаттиқ буюрар эди. Яна бир гуруҳлардан бири бу ИШИД террорчилик гуруҳидир. Уларнинг Интернет фаолияти ўзигача бўлган медиа тарғибот ютуқларини ўзлаштирган ва ундан унумли фойдаланган бўлса ҳам тарғиботнинг услуби, воситалари, мақсади, кўлами каби жиҳатлари билан “жиҳодий” жамоаларнинг айни шундай фаолиятидан фарқ қилади.[3] Кристина Скори Лианг (Christina Schori Liang) “Ал-Қоида” ва “ИШИД” террорчи ташкилотларининг Интернетдан фойдаланишидаги фарқлари хусусида тўхталиб, “Ал-Қоида”, одатда, тармоққа маълумот етказиш воситаси сифатида қараши ва “ўлжа” билан мулоқот

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00200

қилувчининг сир сақланишига эътибор қилса, “ИШИД” жангарилари ўз-ўзини овоза қилиши, блоглар, хабарчи дастурлар, видео тарқатувчи сайтлар, “Twitter”, “Facebook”, “Instagram”, “WhatsApp”, “Tumblr”, “Ask FM” каби платформалардан кенг фойдаланишини таъкидлаган. “ИШИД”нинг “Twitter” ва бошқа ижтимоий тармоқ сайтларидан орттирган шуҳратини “Ал-Қоида” террорчилик ташкилоти ҳатто тасаввур этолмагани таҳлилий маълумотлар асосида кўришимиз мумкин.[4][5] Террорчи ташкилот медиа майдондаги фаолиятини урушнинг учдан икки қисми деб билади. “ИШИД” ўз ғоялари, амалга ошираётган фаолияти ҳақидаги маълумотларни оммалаштиришга мўлжалланган бир неча манбаларга эга бўлиб, уларни асосий медиа марказлар ва ҳудудий медиа бўлинмаларга ажратиш мумкин. Марказий медиа бўлинмалар қаторига “Ал- Фурқон медиа”, “Фурсанул Балағ медиа”, “Асавирти медиа”, “Ал-Ғурабо медиа”, “Ал-Ҳаёт медиа маркази”, “Иътисам” ва “Ажнад” муассасалари, “Баён” радиоси, “Аъмақ” ахборот агентлиги каби асосий бўлинмалар киради. Марказий медиа бўлинмалар террорчи ташкилотга оид муҳим маълумотларни тайёрлаш ва тарқатишга масъул саналади. “ИШИД”нинг медиа тармоқлари марказида “Медиа девони” туради ва у террорчи ташкилот маҳсулотларининг тайёрланиши ҳамда тарқатилиши устидан назорат олиб боради. “ИШИД”нинг ноқонуний эгалланган ҳар бир ҳудудий бирлиги мустақил фаолият юритадиган медиа бўлинмага эга. 2016 йил март ойи ҳолатига кўра, Ироқда “ИШИД”га тааллуқли 60 та тарғибот шохобчаси фаолият юритган бўлса, Мувсил шаҳрининг ўзида бундай тузилмадан 25 таси аниқланган.[6][7]

НАТИЖАЛАР

Шу ўринда интернетнинг бузғунчилар маконига айланишининг асосий сабаблари қилиб қуйидагиларни кўрсатишимиз мумкин:

1. Интернетнинг тартибга солинмагани – бу сарҳадсиз оламда ҳар хил мазмундаги турфа хил маълумотлар учрайди;

2. Интернетдаги фаолиятнинг махфийлиги – ўргимчак тўрида фаолият олиб бораётган шахслар аноним, яъни яширин ҳолатда фаолият олиб боришлари мумкин;

3. Матн, тасвир ва овоз уйғунлигидаги ахборотни жойлаш каби қулайликлар – ушбу ахборот оламида дастлаб маълумотлар матн кўринишида бўлган бўлса, ҳозирга келиб интернетда нафақат матн, балки фотолавҳа, видеолавҳа ва овоз уйғунлигидаги маълумотларни жойлаштириш ва уларни электрон манзилларга жўнатиш ҳам мумкин;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00200

4. Интернетга кириш осонлиги – Ҳозирги кунда интернетдан фойдаланиш қулай бўлиб қолди. Бунда нафақат компютер, балки замонавий планшетлар ва уяли алоқа воситалари, яъни телефонлар орқали ҳам кириб фойдаланиш имконияти мавжуд;

5. Чексиз аудитория – Глобал тармоқларда турли фикр ва қарашдаги миллиардлаб одамлар мавжуд;

6. Маълумотларни етказиш тезкорлиги – интернет орқали бир ахборотни яшин тезлигида дунёнинг бир бурчагидан нариги бурчагига етказиш мумкин;

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак террорчи ташкилот ноқонуний эгалланган ҳудуднинг қисқариши ёки жангарилар сонининг камайиши шароитида катта эътиборни Интернетдаги тарғиботга қаратади. Чунки йўқотишларга қарамай, террорчи ташкилот онлайн тарғибот сабабли ўз таъсирини сақлаб қолишга интилади. Сўнгги йилларда Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистонга қарши диний, маънавий ва мафкуравий таҳдидларнинг шакллари ўзгармоқда. Шу боис, террорчи гуруҳлар медиа тарғиботини таҳлил қилиш, радикаллашувни келтириб чиқараётган сабабларни илмий асосда чуқур тадқиқ этиш, унинг натижаларини ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирларда акс эттириш долзарб саналади. Бундай вазиятда, умуман, халқаро терроризм муаммосига нисбатан аввалги қарашларни қайта кўриб чиқиш зарурати туғилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5416-сон Фармони, 2018 йил 23 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3080-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 июндаги “Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 466- сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги “Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4802-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00200

REFERENCES

1. Диний мутаассиблик: моҳият, максадлар ва олдини олиш йўллари / А. Ҳасанов, О. Юсупов, К. Шермуҳамедов. У. Ғафуров, Ж. Каримов; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Тошкент ислом университети Исломшунослик илмий- тадкиқот маркази. — 'Гошкент, «Мовароуннаҳр» нашриёти, 2013. - 38 б.
2.Яхё, Муҳаммад Амин. Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя. Тошкент.:-2016 й. 40 б.
3. Яхё, Муҳаммад Амин. Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя. Тошкент.:-2016 й. 42 б.
4. Исламов Ш. Интернет тармоғида мутаассиб кучлар томонидан олиб борилаётган ғоявий тарғиботнинг ўзига хос жиҳатлари // Имом Бухорий сабоқлари. – Самарқанд, 2014.
5. Schenk Z. Examining Declassified Historial Media Documents. Communication Breakdown: Unraveling the Islamic State’s Media Efforts //Combating Terrorism Center, October 2016. p.5.
6. Исламов Ш. «ИШИД» террорчи ташкилотининг диний мазмундаги тарғиботи // Имом Бухорий сабоқлари. 2020 й.
7. Исламов Ш. “ИШИД” террорчи ташкилотининг ахборот хуружи ва уни бартараф этиш йўллари// Афтореферат. Тошкент. 2020 й
8. Gambhir H. The Virtual Caliphate: ISIS’s Information Warfare //Institute for the Study of War, December 2016. p.14.